

2023-йил 10-феврал куни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институтида SPACESOM (Erasmus+) лойиҳаси доирасида семинар бўлиб ўтди. Унда олтига олий ўқув юрти: Тошкент Ахборот технологиялари университети, Фарғона политехника институти, Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали, Ўзбекистон Миллий университети талабалари ва ўқитувчилари иштирок этди.



Семинарда Астрономия институтидан лойиҳа иштирокчилари Ю.А. Тиллаев, Н.В. Карачик ва Э.Р. Семаковалар сўзга чиқдилар. Улар Қуёшдаги тадқиқотлар, Қуёш жараёнларининг Ер атрофидаги сунъий йўлдошларга таъсири, илмий тадқиқотларда ва амалий вазифаларда Ер ва атмосферани масофадан зондлаш усулларидан фойдаланиш, масалан, ГНСС сигналлари ёрдамида zilzila даракчиларини баҳолаш ва тоғли ҳудудлардаги табиат ходисаларини ўрганиш бўйича маърузалар қилдилар.



Ю.А. Тиллаевнинг Тошкент расадхонасида астрономик кузатишларнинг ривожланиш тарихи ҳақида, С.П. Илясовнинг институт ва музей бўйлаб экскурсияси, шунингдек, институт ҳовлисида Куёш доғларини кузатиш ва уларнинг Н.В. Карачик томонидан тушунтиришлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Совуққа қарамай, астрономия фанининг катта ишқибозлари астрографга, институтнинг энг машҳур телескопига ташриф буюришди, бу эрда Д.Г. Семаков ва И.М.Асфандияровлар унинг яратилиш ва фаолият юритиш тарихи ҳақида катта қизиқиш билан гапириб бердилар.

Семинар иштирокчилари лойиха бўйича ўқув дастурларини янада такомиллаштиришда қўлланилиши мумкин бўлган кўплаб фойдали маълумотларга эга бўлдилар ва Астрономия институтининг барча ходимлари билан мулоқотда бўлишдан чексиз завқ олдилар.









